



Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Фарғона вилояти
Фурқат тумани Кенгашининг
ҚАРОРИ

«11» декабрь 2020 йил

№ VII-XVII-78-sonli

Navbahor shaharchasi

24-Ўртақўрғон сайлов округи бўйича бўшаб қолган ўринга Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгаши депутати сайловини тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6,24-моддаси, Сайлов кодексининг 93-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги 1033-сонли қарорига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги “COVID-19 пандемияси даврида бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 1033-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мазкур қарори билан “COVID-19 пандемияси даврида бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Халқ депутатлари туман Кенгаши Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг бўшаб қолган ўринга 2021 йил 10 январь Якшанба куни сайлов ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. 24-Ўртақўрғон сайлов округи бўйича бўшаб қолган ўринга халқ депутатлари туман Кенгаши депутати сайлови **2021 йил 10 январь Якшанба куни** ўтказилсин.

5. Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси (М.Рўзमतov) бўшаб қолган ўринга бўлиб ўтадиган сайловни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги 1033-сонли қарор билан тасдиқланган Низом ҳамда амалдаги

қонунчилик асосида адолат ва шаффофликни таъминлаган ҳолда ташкил этилишини таъминласин.

6. Ушбу қарор Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясига юборилсин.

7. Мазкур қарор мағбуотда эълон қилинсин.

**Кенгаш раиси ўринбосари,
Сессия раиси:**



Р.Мелиқўзиев